Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

# Туркистон

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1996 йил 9 ноябрь Шанба.
№ 81 (14379)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ БЕЛГИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Белгия Қироллиги Бош вазири Жан-Люк Деханенинг таклифига биноан шу йил 12 — 14 ноябрда расмий ташриф билан Белгия Қироллигида бўлади.

# НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ





6 ноябрь куни халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Сессия ишида шу вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, туманлар ҳокимлари, бир қанча вазирлик, қўмита, уюшма, концерн, корпорация, идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Б. Рапиғалиев пенсияга чиқиши муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Республика Президенти Ислом Каримов тавсиясига биноан «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» давлат-кооператив қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келаётган Тўлқин Жабборов Наманган вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади. Юртбошимиз ўз нутқида вилоятда иқтисодийислоҳотларни амалга ошириш, саноатни қишлоққа олиб бориш, янги иш ўринлари очиш ҳамда аҳолини ичимлик сув ва газ билан таъминлаш соҳаларида муайян ишлар қилинганини қайд этди. Лекин кейинги 2-3 йил мобайнида ижтимоий-иқтисодий ривожланишда, хусусан, қишлоқ хўжалигида, саноат ишлаб чиқаришида оқсоқликка йўл қўйилаётганига эътиборни қаратди. Давлатимиз раҳбари таъкидладики, айниқса, қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, пул эмиссиясини камайтириш, маориф, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, савдо, маданий-маиший хизмат шохобчалари фаолиятини яхшилаш борасида кўп иш қилиниши лозим. Бунинг учун эса мавжуд вазиятни холисона баҳолаб, тараққиётимиз йўлидаги тўсиқ ва муаммоларни аниқлаб уларга зудлик билан барҳам бериш керак. Вилоятда аниқ ҳаракат дастури ишлаб чиқилиши зарур. Уни амалга ошириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш учун курашиш ҳар бир раҳбар ва вилоят фаолларининг муқаддас бурчи бўлиши даркор.

Сессия ишида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов қатнашди.

**(ЎзА).**

***СУРАТЛАРДА: сессия пайти.***

**А. ТЎРАЕВ олган суратлар.**

# ҲАЛОЛ ЯШАШ ВА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚИЛИШ – БУРЧИМИЗ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ВИЛОЯТ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз дўстлар!

Муҳтарам депутатлар!

Мустақиллик шароитида ўтаётган ҳар бир кунимиз, ҳар бир қилаётган ишимиз халқимизнинг беқиёс яратувчилик салоҳиятини, бунёдкорлик истеъдодини, куч ва қудратини яққол кўрсатмоқда.

Миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам пойдевори қўйилди. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадлари учун жаҳон илғор андозаларига ва тажрибаларига, шу билан бирга қадимий миллий давлатчилигимиз анъаналарига асосланган ва уйғунлашган ҳолда дадил қадам қўймоқдамиз.

Юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукм сурмоқда. Давлатимиз, жамиятимиз мустақиллик шароитида олиб бораётган сиёсатининг энг биринчи мақсади — халқимиз учун, юртимизда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси инсон учун муносиб ҳаёт шароитини барпо этиш, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизни мустаҳкамлашдир.

Мана сизга оддий бир маиший мисол: Наманган вилоятида бутун собиқ шўролар замонида бор-йўғи 95 минг хонадон табиий газ билан таъминланган эди. Истиқлол даврининг беш йилида эса 90 минг хонадон газлаштирилди.

Бу содда рақамлар мустабидлик шароити билан мустақиллик шароити ўртасидаги фарқни жуда яққол кўрсатади. Бир ўйлаб қарайлик, беш йил муқаддам Нанай, Чодак қишлоқларига табиий газ боришини ким ҳам тасаввур қиларди?!

Бугунги кунда вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 74 фоизни ташкил этади. Учқўрғон — Наманган сув узатиш иншооти яқин орада тўлиқ ишга туширилгач, насиб этса, вилоятдаги тўрт туман ва Наманган шаҳри тоза ичимлик суви билан тўла таъминланади.

Муҳтарам дўстлар!

Мамлакатимизнинг барқарор равнақини таъминлашда наманганликларнинг муносиб ҳиссаси бор. Бу заминнинг саҳовати, бу замин фарзандларининг шижоати ўзига хосдир. Наманганликларни азалдан омилкор, оқибатли, нияти пок, ўз маънавий ва исломий қадриятларини юксак эъзозлаб келган эл сифатида биламиз ва катта ҳурмат қиламиз.

Ишлаб чиқариш соҳасида, халқ хўжалигининг асосий тармоқларида, маънавият ва маданият ривожида ҳам Наманган аҳлининг қилган меҳнатлари ўзининг муносиб ҳосилини ва самарасини бермоқда. Буни мажлисда иштирок этаётган кўпчилик кузатиб бормоқда ва англамоқда. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди, албатта.

Лекин қилаётган ишларимизга танқидий кўз билан қараб, холисона баҳо берсак, бугунги кунда вилоятда мавжуд бўлган муаммоларнинг ечилиши ҳақида гапирсак, афсуски, кўп жойларда оқсоқлик, оддий фуқароларни норозиликка олиб келадиган ҳолларни, вазиятни кўриш мумкин.

Диққатингизни бир муҳим ижтимоий масалага жалб этмоқчиман. Вилоят аҳолиси кейинги беш йил ичида 263 минг нафар кўпайди ва 1 миллион 820 мингдан ошди. Умумий аҳолининг 62 фоизи қишлоқда жойлашган.

Худо берган болани боқиш, тарбиялаш, юртнинг асл фарзанди этиб вояга етказиш, аввало, шу заминда яшаётган ота-онанинг, қолаверса, шу эл тақдири қўлига ишониб топширилган раҳбарларнинг зиммасига юксак масъулият юклайди. Улғайган фарзандларимизга иш топиб бериш, янги замон талаблари даражасида касб-ҳунарга ўргатиш учун ҳар бир қишлоқда, аҳоли зич яшайдиган ҳар бир жойда бугунги бозор иқтисоди талаб этадиган равишда ишлаб чиқариш ва турли хизматларни ташкил этмасдан яна қандай чорамиз, қандай иложимиз бор?

Хўш, шу муаммони ечиш йўлида Наманган вилоятида қандай ишлар қилиняпти? Келинглар, шу нуқтаи назардан вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини таҳлил этиб кўрайлик.

Маълумки, **иқтисодий сиёсатимизнинг асосий йўналишларидан бири қишлоқ жойларига саноатни олиб бориш, кичик ва ўрта корхоналар қуриш, янги иш жойларини яратиш ҳамда қишлоқ аҳолиси учун савдо ва маиший хизматнинг ҳамма турларини муҳайё этишдир.**

Шуни айтиш керакки, вилоятда бу борада муайян ишлар амалга оширилган. Аммо қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, ортиқча ишчи кучини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида кичик ва хусусий корхоналар барпо этиш талаб даражасида эмас.

**Мавжуд 6 мингдан ортиқ кичик ва хусусий корхоналарнинг аксарияти қишлоқ жойларида ташкил этилган бўлсада, уларнинг самарадорлиги паст. Уларнинг ҳар бирида ўртача тўрт киши иш билан таъминланган.** Корхоналарнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш билан эмас, савдо-сотиқ билан, олибсотарлик билан шуғулланмоқда.

**Айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, пулли хизмат турлари яхши ташкил этилмаган.**

Чакана савдо ва умумий овқатланиш шохобчаларини ривожлантириш бўйича Наманган яқин йилларга қадар намунали вилоятлардан ҳисобланарди. Лекин ички имкониятлардан ва савдо майдонларидан самарасиз фойдаланиш ҳамда савдони ташкил этиш ва бошқаришдаги салбий ҳолатлар натижасида тармоқ оғир аҳволга тушди.

Чакана савдо оборотидаги нақд пул тушуми вилоят бўйича бор-йўғи 12,7 фоизни ташкил этгани ҳолда Мингбулоқ, Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Чортоқ ва Чуст туманларида ҳатто вилоят кўрсаткичидан ҳам анча паст даражададир.

Яқинда Норинкапа қишлоғида бўлган эдим. Бу ерда 18 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шундан салкам 2 минг нафари умуман иш билан таъминланмаган. Шунча аҳолиси бўлишига қарамай, бу ерда ўн киши ишлайдиган атиги битта тикувчилик цехи, битта ҳаммом, тўртта косибчилик устахонаси бор.

Айтинг-чи, ишсиз юрган одамларни иш билан таъминлаш, уларга меҳнат қилиш шароитларини яратиш учун ким бош қотириши керак? Қишлоқнинг савдо шохобчалари ниҳоятда ночор аҳволда. Кўринишидан ташландиқ жойни эслатадиган дўконлар таъмирланмаган, пештахталар эса бўм-бўш. Кундалик истеъмол молларининг етишмаслиги тўғрисида халқ жиддий эътироз билдирмоқда. Бундай аҳвол на туман ҳокимини, на савдо ташкилотлари раҳбарларини ташвишлантиради. Тўғрироғи, улар савдо, таъминот масалалари билан мутлақо шуғулланмаган.

Ҳаққулобод ва Чортоқ шаҳарлари ҳамда Норин, Янгиқўрғон, Чортоқ ва Уйчи туманларида жон бошига чакана савдо обороти ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми вилоят кўрсаткичидан 1,5-2 баравар камдир.

Бунинг асосий сабаби савдо шохобчаларида харидоргир моллар камлигида, уй-жой қуриш ва таъмирлаш, кийим тикиш, транспорт, ҳаммом ва бошқа турдаги хизматлар етарли даражада йўлга қўйилмаганлигида, деб билиш даркор.

**Вилоятдаги 555 қишлоқнинг учдан бирида ҳаммом, суратхона, таъмирлаш, косибчилик ва тикувчилик каби маиший хизмат турлари йўқ.**

Қишлоқда иш ўринларини барпо этиш масаласи биринчи навбатда вилоят ва туман ҳокимларининг, хўжалик раҳбарларининг вазифаси бўлса-да, Косонсой ва Поп туманларида бу масалага жиддий эътибор берилмаётир. Ж. Сиддиқов саккиз йилдан буён биринчи раҳбар бўлиб ишлаётган Наманган туманида ҳам маънавий, маданий ва ижтимоий соҳаларда жиддий оқсоқлик мавжуд.

**Халқ таълими соҳаси ҳам жиддий эътиборни талаб этади. Вилоятда кейинги беш йилда ўқувчилар сони 39 минг нафар кўпайди.** Бу эса ўз навбатида янги мактаб биноларини, қўшимча синф хоналарини қуришни тақозо этади.

Мавжуд мактабларнинг ярмида спорт заллари, тиббиёт пунктлари ва канализация шохобчалари, уларнинг бир қисмида ҳатто ошхона, спорт майдончаси ва водопровод йўқ. 22 мактаб эса авария ҳолатидаги биноларда жойлашган.

Айни пайтда 69 мактаб, 25 болалар боғчаси қурилиши маблағ етишмаслиги сабабли тўхтатиб қўйилган.

**Тиббиёт муассасаларининг фаолияти кўнгилдагидек эмас.** Ўпка шамоллаши, вирусли гепатит, тиф каби оғир касалликлар, шунингдек оналар ва болалар ўлими тобора кўпайиб бормоқда.

Бу турдаги касалликлар айниқса Норин ва Наманган туманларида 1,5-2 баравар ошганлиги, оналар ва болалар ўлимининг кўплиги бу ердаги раҳбарларни ташвишга солмаяпти.

Умуман, вилоятда қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш бўйича ҳукумат дастурининг бажарилиши қониқарли эмас.

**Соғлом авлодни тарбиялашда эса спорт ва жисмоний тарбиянинг ўрни беқиёс.** Шу боис ҳам биз бу борада ўзимизнинг стратегиямизни аниқ белгилаб олдик. Мазкур масалани давлат сиёсати даражасига кўтардик. Вилоятда ҳам янги спорт мажмуалари ва ўйингоҳлар қурилиши, эскиларини таъмирлаш, спорт байрамларининг ўтказилиши ва «Навбаҳор» футбол жамоасининг муваффақиятли ўйинлари аҳолининг жисмоний ва маънавий камолоти йўлида хизмат қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, мен «Навбаҳор» футбол жамоасининг улкан ғалабаси — мамлакатимиз чемпиони унвонини қўлга киритгани муносабати билан барча наманганлик футбол мухлисларини самимий табриклайман.

Лекин, ҳурматли депутатлар, спорт соҳасидаги хато ва камчиликлар ютуқларга қараганда анча кўп. Жамоа хўжаликлари тасарруфидаги ўйингоҳлар ташландиқ ҳолатга келиб қолган.

**Спорт мактабларида юқори тоифадаги спортчиларни тайёрлаш талаб даражасида эмас.** Ўтган йил давомида вилоятда бор-йўғи уч нафар спорт устаси етишиб чиқди.

Йирик спорт анжуманларида, жумладан, 1995 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё биринчи ўйинларида атиги бир спортчи қатнашган. Атлантадаги XXVI олимпия ўйинларида эса биронта ҳам спортчи қатнашмаган. Республикада ўтказилаётган мусобақа турларининг 50 фоизи наманганлик спортчиларнинг иштирокисиз ўтмоқда.

**Инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда.**

Аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва бурчларини теран англаши борасида вилоят матбуоти етарли даражада иш олиб бормаяпти. «Наманган ҳақиқати» ва «Наманганская правда» газеталари саҳифаларида ислоҳотлар моҳияти чуқур таҳлил этилган мақолалар ҳам, танқидий чиқишлар ҳам жуда кам.

Вилоят телерадиокомпаниясининг кўп кўрсатувлари юзаки тайёрланмоқда. Улар зерикарли. Мамлакатимиз ва вилоят ҳаётида рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий воқеалар ҳақида етарли ахборот берилмаяпти.

(Давоми 1-бетда)

*Акс-садо*

## ЯНГИ ИМКОН ИШТИЁҚИ

Куни кеча халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз Ислом Каримов вилоятда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда камчиликларга йўл қўйилаётганлигини таъкидлаб ўтди. Таъкид баёни давомида эса Президентимиз ҳар бир соҳанинг ривожида ёшлар иштироки катта аҳамият касб этмоғи кераклигини, бунинг учун биз ёшларнинг билими ва тажрибаларимизни бойитиш мақсадида хорижий давлатларда таълим олишни қатъий йўлга қўйиш, мавжуд муаммоларни муваффақиятли ҳал этилишини кўрсатиб ўтди.

Албатта,ёшлар учун бундай юксак ишонч ва яратилажак имкониятлар мамлакатимиз тақдирини янада чуқурроқ таҳлил қилиш, элимиз фаровонлигини юксалтириш йўлларини изчил ўйлашни ва ана шу мақсадлар йўлида далил ҳаракат қилмоғимизни талаб этади.

Биз, ҳар бир навқирон юртдошимизнинг ўз соҳасида янги бир имкон яратиш ишқида яшаётганига ишончимиз комил. Ахир, бу юксалиш, ёшариш кунлари қутлуғ кунлардир. Эзгу ниятларимиз йўлида ҳар куни тинмай изланмоғимиз, қадим Туркистонимиз руҳиятини кўтармоғимиз, ўзлигимиз нишоналарини ана шу муқаддас юртимиз ризолигидан топмоғимиз керак.

**М. ТОЖИМАМАТОВА,**
**Фарғона Давлат Университети талабаси**

## ШУКР ДЕСАМ АРЗИЙДИ...

Яратганга минг бора шукрлар қилсам арзийди, ували-жували бўлган онаман. Юртимиз мустақилликка эришгунча кўп қийинчиликларни кўрдик. Қанча умрим қолган худога маълум, лекин ўтган ҳаётимга сарҳисоб маъносида назар ташласам юртбошимизнинг халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашида «Худо бизга қўйган талаб битта — иймонли бўлиш, ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш», деган сўзлари қулоғим остида жаранглайверади. Не қийинчиликларни кўрмайлик, иймонни ўйладик, хаста кўнглимиз фақат меҳнатдан таскин топди. Аллоҳга шукр, мана юртимиз истиқлолга етган кунларни кўриш ҳам насиб этди. Боз устига ҳукуматимиз ва раҳбарларимизнинг эътибори билан ўтган йилда неча замонлардан бери кўнглимизда ардоқлаб келаётган орзу — Ҳаж сафарини амалга оширдик.

Ҳурматли редакция ходимлари! Мени улуғ ёшимда қўлга қалам олиб, хат ёзишга ундаган нарса — кейинги пайтларда вилоятимиз қишлоқларидаги мактабларнинг ночор аҳволдалигидир. Аксарият мактабларда болаларга иссиқ овқат бериш у ёқда турсин, бир пиёла чой ҳам ташкил қилинмайди. Бинолар эски, нураб кетган, замон талабига ҳеч жавоб бермайди, уларнинг кўпида спорт билан шуғулланиш учун шароит яратилмаган. Ҳадиси шарифда ёзилган «Бир соатлик илм ўрганиш уч кунлик тоат ибодатдан афзалдир». деган пурмаъно ақидани эсласанг, Президентимизнинг «Ҳақиқий мусулмончилик фақат масжидлар сони билан ўлчанмайди. Савоб ва хайрия деган муқаддас тушунчалар жуда кенг. Бозору-мозорларни обод қилиш, бева-бечораларга, муҳтож инсонларга, оилаларга, болалар ва норасидаларга муруват кўрсатиш ҳам мусулмончилик талабларига киради» деганида қанчалар ҳақ эканини ҳис қиласан, киши. Зора энди ҳукуматимизнинг, ҳокимларимизнинг эътибори билан вилоятимиз қишлоқларидаги мактабларга ҳам сон кириб қолса...

**М. ОХУНОВА,**
**меҳнат фахрийси**

## БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН БАЙРАМ

Болаликда байрамни бошқача кутардик, демоқчи бўлганим интизорлик билан. Бизга тегишли бўлмаган байрамлар учун ҳам, қувончу-ташвишларнинг чеки бўлмасди. Ҳозирчи?.. Ўзимизнинг байрам (жаҳон ёшлари куни)нинг етиб келганини ҳам билмай қолибман. Дўстларимга, мухлисларга нима ҳам совға қилиш мумкин, фақат қўлимиздан келгани ёзиш.

Бу гал ҳаммасини бошқача бошладик. Суҳбатдошларимиз кўча одамлари — йўловчилар бўлди.

Сайилгоҳ кўчаси, Тошкент шаҳри.

— **Ёшлар куни ҳақида нима биласиз?**

Биринчи суҳбатдошим **Наргиза ОЛИМЖОНОВА, талаба, 24 ёшда.**

— Шунақа байрам борлиги ҳақида энди сиздан эшитиб турибман. Бу байрам яқинда пайдо бўлган бўлса керак. Хўп бутун жаҳон ёшлари куни экан, бутун дунё уни дам олиш куни деб эълон қилиш керак. Шунда ҳамма биз учун ҳам байрам борлигини билади.

— **Бу кунни ким билан кутиш яхшироқ?**

Фарҳод Ғиёсов 19 ёшда: — Яхши кўрган қизинг бўлса у билан. Бўлмаса дўстларинг билан.

— **Байрам муносабати билан онангиз бир шартингизни бажаришга мажбур бўлди дейлик. Унда...**

Суҳбатдошим юридик институти талабалари.

**Нодирбек:** — Мени уйлантиринг дердим.

**Фазилат:** — Энг охирги модадаги тери пўстин олдирардим.

**Нилуфар:** — Опамлардан шу куни эрталаб 9 гача ётишимга халал бермасликларини илтимос қилардим.

**Фарангиз:** — Шим кийишга, соч қирқишга рухсат сўрардим.

Яна бир суҳбатдошим оғир сумка кўтарган 32 ёшли Мавжуда опа бўлдилар.

— **Байрамга тайёргарликми?..**

— Қанақа байрам?!

— **Бугун жаҳон ёшлари куни. Сизнинг, бизнинг байрамимиз-ку.**

— Вой, энди эшитиб турибман. Қандай бахтли аёлман. Байрам куни туғилган эканман.

— Унда сизни қўшалоқ байрам билан қутлаймиз.

Мустақиллик метроси бекати. Диққатимизни гул кўтарган таниш йигитимиз тортди. Қитмирлик бўлсада, ҳол-аҳвол «сўрадик».

— Учрашувимиз 11.00да эди. Соат 14дан ошяпти, ҳамон ундан дарак йўқ.

— **Балки дугоналари билан байрамни нишонлашаётгандир.**

— Нима дедиз, бугун число...

Қизга аталган гул бизга насиб этди.

— Раҳмат сизларга, газетачилар, жиззахлик ўртоғимнинг тўйига боришим керак эди.

Кўча тўла ёшлар. Кимлардир бугун байрам эканлигидан хабардор, кимлар эса... Аммо шукурки бирорта ҳам асабийлашган ёшларни учратмадик.

Нурилла ака 52 ёшда: — Сенларнинг байрамларинг эканлигини эрталаб радиодан эшитганман барака топкурлар. Эрталаб автобусда келаётганимда сен тенги ўспирин жой бермаганида ҳам индамадим. Бугун байрамда.

**«Туркистон» газетаси бекати, йўғэ, таҳририяти: ЖАҲОН ЁШЛАРИНИНГ БИР БЎЛАГИ — ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ, БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

**ЛАЙЛО,**
**«Туркистон» мухбири**

